



2 Ҳар бармоғида битта ҳунари бор

3 Ижодкорлар шифохонаси



6 "Ўзгаларни кулдириб, ўзингникин йиғлатма"



8 «Насаф» ОФК кубоғи голиби



Ўзбекистон Республикаси Президентининг **ҚАРОРИ**

ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Қурбон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни сақлаш ва улуғлаш, фуқароларнинг ҳамжихатлиги ва меҳроқибатини мустаҳкамлаш, ёш авлоднинг руҳий ва маънавий оламини бойитиш, уларнинг қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада юксалтириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Диний байрам "Қурбон ҳайит"ни дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақида" 1991 йил 20 июндаги ПФ-221-сон Фармониға мувофиқ:

1. 2011 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 6 ноябрга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг мурожаатини инобатга олиб, ушбу кун мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа барча мутасадди давлат ва жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига байрам тадбирларини кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2011 йил 31 октябрь.

БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН!



Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.
Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 63-модда

Ҳар ким ўзи туғилиб ўсган қадрдон гўшасида, азиз ва мўътабар хонадонда, муқаддас она Ватанида бахтлидир.

Тургунбек МАҲКАМОВ сурат-лавҳаси

ИФТИХОР



Абдулла Тангриев — мутлақ жаҳон чемпиони!

Шу йилнинг 29 октябрь куни миллионлаб футбол мухлислари, спорт ихлосмандлари учун катта байрамга айланди, десак муболага бўлмайди. Осиё футбол конфедерацияси кубогининг финал учрашувида номдор жамоаларимиздан бири саналган "Насаф" ажойиб ғалабани қўлга киритиб, қитъа миқёсидаги беллашувда мамлакатимиз жамоалари орасида биринчи бўлиб энг нуфузли соврип соҳибига айланди.

Ватанимиз мустақиллигининг шовли 20 йиллигига муносиб совға бўлган бу улкан ғалаба ўзбек футболда янги саҳифа очилганини яна бир бор исботлаб турган лаҳзаларда Россиянинг Тюмень шаҳридан қувончли хушxabар келди! Дзюдо бўйича мутлақ вази тоифасидагилар ўргасида ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Абдулла Тангриев жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди.

Пекин Олимпиадаси соврийдори Абдулла Тангриев 21 давлатдан келган 27 нафар энг кучли полвонлар иштирокида ўтказилган беллашувларда украинлик Кирилл Белецкий, франциялик Матье Торел, япониялик Хироки Тачиямани енгиб, ярим финалда Жанубий Корея вакили Ким Сунг Минни мағлубиятга учратди. Ҳал қилувчи баҳсда эса дзюдо бўйича Европа чемпионати соврийдори венгриялик Барна Бор устидан соф ғалаба қозониб, жаҳон чемпионатининг олтин медалини қўлга киритди.

2011— КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ

Зумрад қип-қизариб пишган қозон патирни дастурхонга олиб келиб қўйди. Унинг ўртасига бир пишми куви ёғини ташлаб иккинчи патир билан устини ёвди.

— Бирпасда бўлдимиз? — дастурхон атрофида ўтирган ҳамкасблардан бири сўз қотди. — Э, қойил-эй!

— Бир косадан қатиклаб мошхўрда ҳам ичасизлар, — Зумрад қайнаб турган қозонга ишора қилди: — Сизларни курук патир билан жўнатаманми?

ми эмасми, уни бутун шаҳарча ахли танийди, таниганда ҳам ўз касбига садоқатли, тажрибали, қўли энгил шифокор деб билишади. Энди эса мохир тўқувчи сифатида унга турли фасондаги буюмлар — болалар кийимлари, қалпоқлар, пайпоқлар, аёллар нимчаларидан бошлаб, жемпер, кўйлақкача буюртмалар бера бошлади.

1971 йили Гулистон тиббиёт билим юртининг доялик бўлимини битирган,

лайдиган цех очишди, турли пишириқлар пиширишни йўлга қўйишди. Энди шаҳарча аҳолиси тўйларга пишириқлар учун Гулистонга қатнамайдиган бўлди. Энг муҳими, бу ерда талайгина иш ўринлари яратилди. Даромадга яраша буромад, денгларидай савдо юришиб кетди.

— Табассуминг бўлмаса, дўкон очма, дер экан хитойлар. "Тарозинг тўғри бўлса, барака келади" дейди ўзимизнинг ўзбеклар. Ана шу жиҳатларга қаттиқ тураман, ҳар хил кайфиятдаги одамлар билан муомала қилишга тўғри келади, ширин муомала ва биронинг ҳаққига хиёнат қилмаслик савдонинг ривожлантирувчи омиллар, — дейди биз билан суҳбатда Зумрад Ризоқуллова.

У яна бир жиҳатни айтмади, бу — савҳоват. Таниган-билганлар Зумраднинг қўли очик, муруватли аёл сифатида билишади. У ўз маҳалласидаги камхаржроқ оилада тўйми, маъраками бўлишини эшитган захоти ўша хонадонга гуруч, ёғ, ун ва бошқа нарсаларни баҳоли кудрат киритиб юборишни одат қилган.

"Ўзим бировга зорикмадим, ака-укаларимдан умидвор бўлмадим. Уларнинг ҳам қозони бўлак. Ҳаракат қилган, интиланг муродига албатта етади. Бунинг учун бизнинг юртда ҳамма шароитлар бор". Унинг кўпчиликка қарата айтадиган гаплари бу. Зумрадда шоиртабиатлик ҳам бор.

**Кет десанг Қашқар кетай,
Йўлларда ёлғизлик ёмон.
Ёлғизликдан ким ўлибди,
Ҳаммадан хорлик ёмон.**

...90 ёшдан ошиб кетган онаси Каромат момо асли айтмичи. Қондан ўтганда, Зумраднинг қўлиги бир тўлмасини, дилидан қўйилиб келиб, тилига чиқиб кетаётган шеърлардан титрамай қолмасиз.

**Ўзгаларга зор, муҳтожлик
Келтирар турли бало.
Не аъло деб сўрсангиз
Ҳаммадан хурлик аъло.**

Элимизда шундай гап бор: қўл кучи билан ишлайдиганлар — ишчи, қўл кучига ақлини қўшиб ишлатадиганлар — уста, қўл кучи, ақлига ўз туйғулари ҳам омихта қилувчилар — санъаткор дейилади. Уқувли аёлларга хос санъаткорлик билан иш юритаётган Зумрад Ризоқуллова тadbиркорлик орқасидан уйлар солиб, иморат кўтарди. Эл-юртга ош бериб, неваратўйларини ўтказди. Аёл тadbиркор, уқувли бўлса, уйда фаёз, барака бўлади. Демак, бугун қўлида хунари бор, тadbиркор аёл юрт равнақиға ҳам ҳисса қўшаёпти.

**Баҳр ХОЛБЕКОВА,
"Оила ва жамият" муҳбири.
Сирдарё вилояти.**

Ҳар бармоғида битта хунари бор

— Йўғ-э, Зумрад опа, овра бўлибсиз-да. Биз бирровга киргандик, нимча, ул-бул нарса тўқиб берсангиз деб.

— Аввал таом, сўнгра калом. Тўқиб бўлса қочмас...

Унинг тўқини ўрганиши жуда қизиқ бўлган. Гулистон тумани туғруқхонасида акушер бўлиб ишларди ўшанда. Бир аёлга бош кийим тўқиб беришни илтимос қилди. Буюртма битди, кийиб кўрганди кўнглига ўтирмади. "Сал мундайроқ бўлибдими" деб гап бошлаган эди ҳамки, ҳалиги аёл бобиллаб берди: "Ўзинг ҳеч нарсани билмайсан-у, яна мени ишмдан камчилик топганингни қара-ю". Ана шу бир оғизгина маломат унга етарли бўлди. "Нега билмас эканман? — ўзини койиди у. — Одам қилган ишни одам қилади-да, шу тўқини ҳам юмш бўптими, керак бўлса ундан ҳам каттароқ нарсаларни тўқиган бўлсам". Ҳақиқатан ҳам, у мактабда ўқиб юрган кезларида ёстиқларга, сочқиларга гул солар, жияклар, тўрлар тўқиб, қизларнинг сепи учун кашталар тикарди. Кейинчалик зулбароқ, шолчалар тўқиди. Қишлоқ аёллари уни тез, чакқон ишлайди, деб ҳашарга чақирдишарди. Ҳафтага етказмай битта-иккитадан шолчаларни тўқиб ташларди. Шуларнинг олдиди бу...

Шаҳд қилди, кўнт билан ўрганишга киришди ва қойилмақом қилиб турли-туман кийим-кечаклар тўқиб оладиган бўлди. Буюртмалар ола бошлади. Қараса, хунар зўр нарса экан. Қўли бўш қолди дегунча тўқини ёпишди. Рўзгордан орттириб пул ҳам жамғарадиган бўлди, бировга зорикмади, аксинча, бошқаларга ёрдам бера бошлади. Тиббиёт ходи-



туман туғруқхонасида иш бошлаганди. Қанчадан-қанча ширинтойларнинг дунёга келишига доялик қилди. 1981 йили туман поликлиникасининг аёллар маслаҳатхонасига ишга ўтди ва то нафақага чиққунга қадар шу масканда ишлади. Умрининг ўттиз йиллини тиббиёт соҳасига, оналар ва болалар саломатлигини сақлашга бағишлади.

Гулистон туманидаги Бешбулоқ қишлоғида туғилиб ўсган Зумрад Ризоқуллова ижодкорлик, янгиликка интилиш туйғулари баланд. Ишхонасига яқин жойда анчагина бўш майдон ташландиқ ҳолда ётарди. Чиқиндихонага айланган ўша жойни обод қилиш учун расмий рухсат олган, аввалига ихчамгина бир чойхона қурди. Сўнг аҳоли талабини ўрна бошлади. Озиқ-овқат, хўжалик моллари дўконларига эҳтиёж борлигини билган, қўшимча қурилишни бошлаб юборди. Бу ишларда ўғли Жаҳонгир ёнига кирди. Шундай қилиб, савдо шохобчаси кенга ёборди. Ичимликлар дўкони, сомсахона, новвойхона қуриб ишга туширилди. Уларнинг ёнидан қолипчи оқ нон тайёр-

2009 йилда Президентимиз томонидан қабул қилинган "Оила ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда "2009–2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қарорлар айнан соғлом оила барпо этиш, шунингдек, ҳар томонлама бақувват фарзандларни камол топтириш, қолаверса, оналар саломатлигини мустаҳкамлаш йўлидаги энг муҳим қадамлар бўлди.

Оналик ва болалик билан боғлиқ жараёнларнинг давлатимиз томонидан муҳофаза қилинишини кафолатловчи бу каби жиддий масалалар Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига ҳам ўз ифодасини топган. Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, оила фуқаролик жамиятининг таянч нуқтасидир. Чунки бу муқаддас даргоҳда нафақат

инсон дунёга келади, балки у маънан ва ахлоқан тарбия топади. Оила қанчалик мустаҳкам бўлса, жамият ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади ва тез ривожланади ҳамда ҳар томонлама баркамол, соғлом авлодни шакллантиришда асосий пойдевор

"Палаги тоза" бўлса афсус чекмайсиз

вазифасини ўтайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида оилага алоҳида боб ажратилиб, «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилиги асосланади», деб белгиланган. Никоҳ оила вужудга келишининг бирдан бир асосидир. Никоҳ эркак ва аёлнинг ўзаро ихтиёрий розилигига ва тенгликка асосланган эркин иттифоқи бўлиб, унинг мақсади оила қуриш, болаларни умуминсоний қадриятлар ва аъналар асосида тарбиялашдан иборат. Никоҳ тузишининг энг муҳим шартларидан бири никоҳланувчиларнинг ўзаро розилигидир.

Никоҳ жойлардаги ФХДё бўлимларида қайд этилади ва оила тузиш мақсадидаги хизмат қилади. Мазкур жараён шунчаки расмийлик учун эмас, балки давлатнинг никоҳни қайд этишини тасдиқловчи юридик факти ҳисобланади. Диний расм-

русумларга биноан тузилган никоҳ эса ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлмайди.

Бу борада вилоятимизда ҳам қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг 9 ойи давомида вилоят ФХДё органларида 15800 та никоҳ қайд қилинди. Демак, воҳамизда шунча янги оила мустақил ҳаётга қадам қўйди.

Шу ўринда бир мулоҳаза: бугунги кунда аҳоли ўртасида ҳамон эскича қарашлардан қутула олмаётган, қуда-андачилик ришталарини мустаҳкамлаш ўрнига, аксинча, тезда узилиб кетишига йўл қўётган кишилар ҳам учраётди. Узоқни кўра олмаётган бундай тоифадаги ота-оналар кўпроқ ўзларига энг яқин қариндошларига қиз бериб, қув

қилишни ихтиёр этишни афзал била-

ди. Тиббиёт мутахассислари эндога, яъни қариндошлар никоҳдан турғиладиган болалар орасида ирсий касалликлар кўп учраётгани хусусида жамоатчиликни огоҳликка чорлаётган бир пайтда бундай воқеаларнинг учраши ачинарлидир. Адлия идоралари, соғлиқни сақлаш, таълим, маҳалла ва бошқа турли ташкилотлар иштирокида аҳоли ўртасида ўтказилаётган тadbирларда бу каби хавфли омиллар хусусида кўп гапирилмоқда. Негаки, сир эмас, ирсий касалликларни давлолашга замонавий тиббиёт ҳам ожиз. Уларни келтириб чиқарадиган асосий сабаблардан бири қон-қариндошлик никоҳидир.

Баъзида қариндошлар келажда узилиб кетмайлик деган ниятда қуда бўлишади. Афсуски, ёшларнинг жуда тез фурсатда ажралиб кетиши натижасида яқин жигаргўшалар ҳам юз кўрмас бўлиб кетишаётганига кўпчилик гувоҳ. Эндогамиянинг

ЖАРАЁН

Замонавийлик миллийликка уйғунлашганда

Юртимиз маданий ҳаётда ўз ўрнига эга "Art Week Style.Uz-2011" лойиҳаси яқунга етди. Олти кун давом этган ҳафталик жаҳон ва ўзбек санъатининг ранг-баранг йўналишларини камраб, замонавий ва миллий тамойилларни бир нуқтада бирлаштира олди.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати" жамғармаси мамлакатимиз маданий жабҳасида қандай аҳамиятга эга бўлса, "Art Week Style.Uz-2011" санъат ҳафталиги ҳам Фонд Форум фаолиятида шундай муҳим ўрин тутди. Йилдан йилга халқаро нуфузи ошиб бораётган йирик лойиҳа мусиқа, тасвирий санъат, мода ва дизайн, хореография, кино ва театр соҳалари намояндалари ва ёш истеъодларни бир даврага жамлади.

Бу йил ҳафталик "Ранглар, орзулар, ҳиссиётлар ҳамоханлиги" шиори остида ўтказилди. "Theatre.Uz/2011" халқаро фестивали, "Олтин гепард" I Тошкент кинофоруми, замонавий география ва спорт пластикаси халқаро танлови сингари тadbирлар лойиҳа мундарижасини янада бойитди. "Art Week Style.Uz-2011" доирасида АКШ, Буюк Британия, Франция, Италия, Жанубий Корея, Япония, Россия сингари давлатлардан келган ва юртимиз дизайнчилари, мода уйларининг махсус намойишлари, Миллий либослар фестивали, Сартамошлик бўйича халқаро танлов, Тўқимачилик ва каштачилик галереяси тақдироти ҳам бўлиб ўтди.

"Ижтимоий тadbиркорликни ривожлантириш: тажриба ва устувор вазифалар" мавзусидаги халқаро хотин-қизлар форуми, аёллар кўкрак саратони касаллигининг олдини олишга қаратилган кўрик, аҳолининг турли қатламларини қўллаб-қувватлаш мақсадидаги хайрия тadbирлари, "Мода ва касбий таълим" мавзусидаги давра суҳбати, "Фонд Форум: фуқаролик жамиятининг амалий энциклопедияси" тақдироти ҳафталикка ижтимоий руҳ берди.

VI Тошкент халқаро замонавий санъат биеналеси билан бошланган "Art Week Style.Uz-2011" ҳафталиги "Dom stilya" модалар уйининг либос тўпламлари намойиши билан яқунланди.

Барно МИРЗААХМЕДОВА

БАХТ ОСТОНАСИ

асосий сабабларидан яна бири урф-одатларимиз, тўй-маросимларимизнинг мураккаблашиб, серхаражат бўлиб кетаётганидир. Айрим ҳолларда ота-оналар фарзандларини тўқис сарпо билан таъминлай олмаганликлари туфайли, кейинчалик камситилмаслигини ўйлаб, қавму қариндошлар билан боғланадилар. Айрим ҳолларда эса турмуш кураётган ёшлар қариндош эканини яшириш ҳоллари ҳам учрамоқда.

Фарзанднинг соғлом, бақувват бўлиши учун ота-онанинг "палаги тоза" бўлиши керак. Зеро, авлодларнинг бардавонлиги, жисмоний ва руҳий соғломлиги кўп жиҳатдан генофондга боғлиқ. Яқин қариндошлар никоҳи эса асосий бойлигимиз саналган — генофонднинг бузилиши, миллатнинг ирсий заифлашувига олиб келадиган омиллардан бири эканини унутмайлик.

**Фахруддин Қўлдошев,
Сурхондарё вилоят адлия
бошқармаси бошлиги
ўринбосари.**

Ижодкорлар шифохонаси

Пойтахтимизнинг мухташам гўшаларидан бирига қадам кўяр эканмиз, бинонинг ташқио ички кўриниши, чор атрофдаги саранжом-саришталик, ҳамшираларнинг хуш муомаласидан кўнгулга ёруғлик инади. Бунга шифохонадаги сокинлик ҳам кўшилиб, худди поликлиникада эмас, ижодий мухт хукмрон адабиёт масканида юргандек бўламиз. Турли-туман дардмандлар билан гавжум, навбатлари узун касалхоналарни кўравериб ўргини қолганимизданми, мазкур даргоҳдаги илик мухт аввалига бироз галати ҳам туюлади. Поликлиниканинг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига қарашли эканини билганимиздан кейин эса ҳаммаси ойдинлашади. Ҳа, ижодкорларнинг шифохонаси бўлса, шундай бўлиши керак-да!



жавоб бериши кўрсатилаётган хизматлар сифатининг ошишига замин яратди. Айниқса, шифокору ҳамшираларнинг хушмуомала ва ширинсуханлиги беморлар дардида малҳам бўлмоқда.

ташкил этилган. Соғлиқни сақлаш вазирилик билан ҳамкорликда уюшма аъзолари касалхоналарда ётиб даволаниши учун ҳам бепул йўланмалар ажратилган. Тез ёрдам хизматимиз ҳам зарур ҳолларда ижодкорларга зудлик билан тиббий хизмат кўрсатишга доим шай ҳолда туради.

— Шифохонамизда малякали терапевт, кардиолог, невропатолог, хирург, уролог, гинеколог, травматолог, стоматолог, окулист, лор-шифокорлар фаолият кўрсатишади, — дейди бош терапевт Ҳамидулла Боймуродов. — Жамоамиз асосан ёш ва истеъдодли шифокор ва ҳамширалардан иборат. Уларнинг кўпчилиги тиббиёт фанлари номзоди илимий даражасига ҳам эга. Бундан ташқари, поликлиникамизда пойтахтимиздаги нуфузли клиникаларнинг доктор-профессорлари навбатчилик кунлари

Бунлар ҳали ҳаммаси эмас. Рентгенокопия, рентгенография

ТИББИЁТ МАСКАНЛАРИ

ва дентал рентген ускуналари, замонавий стоматология, офтальмология, УЗИ, физиотерапия ускуналари ҳам саломатликни тиклашга хизмат қилмоқда.

— Беморларнинг самарали даволанишида ташхиснинг тўғри қўйилиши жуда муҳим, — сўзида давом этади Ҳамидулла ака барча хоналар билан бирма-бир таъминлашга қўриқиб чиқарган экан. — Тўғри ташхис беморларни беҳуда оворагарчиликлардан ҳимоя қилади. Шу боис поликлиникамизда бунга жуда катта эътибор қаратилган. Замонавий жиҳозлар билан таъминланган мазкур лаборатория-ташхис бўлимида айна кунда олтмишдан ортиқ таҳлиллар амалга оширилмоқда. Тиббий жиҳоз ва воситаларнинг санитария-эпидемиологик ҳолати ҳам назаримиздан четда эмас, улар юқори стерилизациядан ўтказиб турилади.

Турсун АЛИ, шоир:

— Бу ерга ҳар доим келиб тураман. Поликлиникамиздаги ўзгаришлардан жуда мамнунмиз. Ёзувчи-шоирлар ўнлаб шифохоналарга қатнаб юриши шарт эмас, барча ташхислар ва муолажаларни шу ернинг ўзида олиб бериш имконияти мавжуд. Яна бир жиҳати, зарур вақти ши-



кўйилган бўлиб, беморларнинг тезда шифо топишига ёрдам бермоқда. Қолаверса, Саломат Акромова, Феруза Умарова, Алишер Саидмуратов, Хусан Исмоилов, Севара Қосимова, Эдуард Ким, Замира Мирзахўжаева каби фидойи мутахассислар ижодкорлар дардида дармон бўлишмоқда.

— Хасталикни даволагандан кўра олдини олган афзал, — дейди бўлим бошлиғи, аллерголог Саломат Акромова биз билан суҳбатда. — Шу боис жамоамиз билан бирга жойларда саломатликни сақлаш, касалликлардан ҳимояланишга қаратилган тадбирлар ўтказиб келмоқдамиз. Биз учун энг муҳими — халқимиз ҳамда сеvimли ижодкорларимиз доимо соғсаломат бўлисин. Эл суйган адибларимиз бадий юксак

Мамлакатимизда сўнгги йилларда кечаётган кенг миқёсдаги янгиланишлар жараёнидан адабиёт ва санъат соҳаси ҳам четда қолаётгани йўқ. Хусусан, Президентимизнинг 2010 йил 26 февралда "Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси хузурида "Ижод" фондини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори эълон қилинган, бу борадаги ишлар яна бир поғона юксалди, назаримизда. Адабиёт раънақи учун зарур шарт-шароит яратиш, ёзувчи ва шоирларнинг ижодий салоҳиятини тўла рўёбга чиқаришга кўмаклашиш ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш йўлидаги ишлар жадаллашди. Жумладан, "Дўрмон" ижодий уйи ва Ёзувчилар уюшмасининг поликлиникаси ҳам замон талаблари мос равишда таъмирдан чиқарилиб, обод қилинди.

— Ижод самарадорлигида инсоннинг сihat-саломатлиги муҳим ўрин тутаети, — дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси поликлиникаси бош шифокори Анвар РАЖАБОВ. — Зеро, соғ танда — соғ ақл, дейилгани бежиз эмас. Шифохонамиз жамоасининг асосий мақсади ҳам маънавиятимиз жонкуярлари бўлган ёзувчилар, шоир адибларимизнинг саломатлиги ҳақида қайғуриш, хасталикни авж олиб кетмасдан бартараф этиб, уларни жўшқин ижодга қайтаришдан иборат. Бу ерда нафақат пойтахтлик ёзувчилар, ҳатто вилоятларда яшаб ижод қилаётган қаламкашлар, марҳум адибларнинг оила аъзолари ҳам бепул даволаниш ҳуқуқига эга.

Таъкидлаш жоизки, таъмирлаш ишлари туфайли поликлиника замонавий қиёфага эга



бўлди. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ҳомийлиги асосида поликлиника капитал таъмирланиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланган бўлса, Навоий комбинатининг кўмаги билан энг замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари харид қилинди. Хоналарнинг дид билан жиҳозланиши ва санитария-эпидемиологик талабларга тўлиқ

яқ кўрсатишади, — дейди бош терапевт Ҳамидулла Боймуродов. — Жамоамиз асосан ёш ва истеъдодли шифокор ва ҳамширалардан иборат. Уларнинг кўпчилиги тиббиёт фанлари номзоди илимий даражасига ҳам эга. Бундан ташқари, поликлиникамизда пойтахтимиздаги нуфузли клиникаларнинг доктор-профессорлари навбатчилик кунлари



фокорлар уйга бориб ҳам тиббий хизмат кўрсатишади. Бу эса ижод аҳлига ҳам руҳий, ҳам жисмоний мадад бўлаётир.

Шифохонада физиотерапия, халқ табиобатининг аънавий усуллари — зулук ва игна билан даволаш муолажалари ҳам йўлга

асарларни кўпроқ ёзиб, элимизга тақдим этишларига озгина бўлса-да хиссамиз қўшилиса, ўзимизни бахтиёр ҳис этамиз.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА.

Абдувоси ХАЙДАРОВ олган суратлар

Ҳеч ким бахтсиз бўлмасин

ФҲДЁ ФАОЛИЯТИ

Келинчак не-не орзу-умидлар билан ўзга хонадон остонасидан ҳатлайди. У бу уйдан бахт кутади, бошқаларга ҳам бахт соғинади. Ширин хаёллар ила энтикади. Негаки, эрта-индин оналик бахти кутмоқда уни, эъзоздаги бекалик! Аммо... хамиша ҳам у эъзозли бўлармикан? Чунки тегишли ҳужжатларда у, ҳақиқатан ҳам, шу йилгитнинг жуфти ҳалоло экани акс этмаган — қонуний никоҳдан ўтмай турмуш қуришган. Бу эса қатор муаммоларни тугдирмасмикан? Бундай қутилмаган тавшишлар ҳар қандай аёлга оғир ботади, албатта.

Касбим тақозоси туфайли худди шундай кўнгилни хира қилувчи ҳолатларга гувоҳ бўлганман. Шу боис туман хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда жойларда ўтказилаётган учрашуви, давра суҳбатларида ҳаётдаги салбий воқеалардан тўғри хулоса чиқариш кераклигини ҳаммаша ўқирамиз. Масалан, ўтган йилги на-

тижаларни таҳлил қиладиган бўлсак, ахвол қувонарли эмас. Тўғри, туман миқёсда оталикни белгилаш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан (233 та ўрнига 231 тани ташкил этди) камайган.

Ватан остонадан бошланади. Остона эса бу, энг аввало, киндик қонимиз томган табаррук замин, ўзимиз яшаётган муқаддас оила саналади. Демак, оиланинг ҳам жамият, ҳам инсон ҳаётида туган ўрни алоҳида. Унинг мустаҳкам, фаровон ва, айни пайтда, соғломлиги ҳар қандай давлат учун катта бойлик ҳисобланиши бежиз эмас. Шу маънода соғлом авлод бахти, саодати учун курашиш ҳаммага, каттаю кичикка бирдек масъулият юклайди. Бинобарин, биз — ФҲДЁ бўлими ходимлари ҳам зиммамизда улкан масъулият ҳиссини сезамизки, у ҳам бўлса, оиланинг илк ибтидоси бўлмиш

никоҳни расман қайд этиш, айрим келишимовчилик, зиддиятларни тинч йўл билан ҳал қилиш, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва манфаатларини қонуний равишда ҳимоялаш орқали юртдошларимизга кўмак беришдан иборатдир.

Оддий мисол: жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида туманимизда 890 та янги оила қурилди. Келин-куёвлар юз фоиз тиббий кўриқдан ўтишди. «Оила дорил-фунуни», «Ёш келин-куёвлар суҳбати» сингари машғулотларда уларга эр-хотинликнинг ўзига хос жиҳатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилди. Никоҳ шартномасини тузиш, тўй ва маросимларни замонага мос, миллий аънавалар асосида ортиқча дабдабасиз, камчиким ва файзли ўтказиш юзасидан тегишли йўл-йўриқлар, тавсиялар берилди. Икки ёш, энг аввало, бир-бирини синаб, об-

дон билиб ўргиниши, феъл-атвори, юриш-туриши, соғлиқ-саломатликлари хусусида батафсил маълумотларга эга бўлиши лозимлиги ўқтирилди. Айниқса, қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳларга йўл қўймасликка ҳаракат қиляпмиз.

Айрим узоқни кўра олмайдиган ёки ўз қобилига ўралиб қолганларга бундай чора-тадбирлар бироз эриш туюлиши табиий. Лекин атрофимизда аҳён-аҳён-да бўлса-да учраётган баъзи нохуш воқеалардан тегишли хулоса чиқарган ҳолда, ўз фарзандларимизни бахтсизлик домига дучор қилмайлик. Чунки ҳар қандай ота-она учун энг оғир кўргулик фарзандининг бахтсизлигидир. Бундай ба-лодан Яратганнинг ўзи асрасин!

Дилфуза ЗАЙНИДДИНОВА, Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани ФҲДЁ бўлими мудири.

— Биласизми, бизнинг Бойсун томонларда оилада ўғил туғилса, курашчи полвон, чапдаст чавандоз бўлсин, деб яхши ният қилади кексалар, — дейди Қизларсулув опа. — Абдуллажон — ёлғиз ўғлимиз. Отаси раҳматли (Исматилла Тангриев — Ш.Р) уни еру кўкка ишонмасди. Доимо отга мингаштириб, ўзи билан тўй-томошаларга олиб борарди. Ўзи кўпкери чопарди, баъзан курашга ҳам тушиб турарди. Бу ёғини сўрасангиз, менинг отам Эшбой Назаров ҳам номи чиққан полвон бўлган. Бир даврнинг ўзида 12-13 йилгит билан олишиб, бирор марта ҳам кураги ерга тегмагани ҳақида ҳалиҳануз қариндош-уруғларимиз фахрлиниб гапиришади. Абдуллажонга полвонлик қондан ўтган бўлса ажабмас.

Эсимда, Абдулла икки-уч яшар пайтлари отаси эрталаб уйқудан тура солиб, ҳали кўрпа-тўшак йигилмасдан, кани, ўғлим, бир онанг билан олишчи, дерди ва мен ҳам уни хурсанд қилиш учун атайлаб йиқилиб берардим. Хуллас, отаси раҳматли ўғлининг катта полвон бўлишини орзу қиларди. Тақдир экан-да, турмуш ўртоғим ўғлимиз беш ёшга кирганида оламдан ўтиб кетди. Аммо отасининг орзусини амалга ошириш учун қайнукам — Абдуллажоннинг амакиси Абдукарим Тангриев уни учинчи синфдагидаёқ пойтахтга олиб келиб тарбиялади, яхши шароит яратиб берди, ўқитди. Ўғлимнинг чемпион бўлиб, шу даражага етишишида амакисининг ҳиссаси беқиёс. Бугун отаси орзу қилиб кўролмаган кунларни кўриш менга nasib этиб турибди. Қаерга борсам, “Сиз Абдулла Тангриевнинг онасимисиз?” деб сўрашади. Ҳавас қилишади. Дунёда она учун бундан ортик бахт борми?!

— **Одатда таниқли шахслар, ўз касбининг устаси бўлган инсонларнинг ҳеч кимга ўхшамайдиган характери бўлади. Абдулланинг ўзига хос жиҳатлари нимада?**

— Абдуллажон табиатан ўжар, чўрткесар бола эди. Ҳозиргача бир сўзлиги бор. Бир нимага киришдимми, қанча машаққатли бўлмасин, албатта, охирига етказмай қўймайди. Ҳеч қачон бирорвага ҳаққини бермасди. Муаммоларини доим ўзи ҳал қиларди. Ёлғиз ўғил бўлгани учунми, бироз эркалиги ҳам йўқ эмасди. Таътилга келганида кўй боқишга чиқиб кетиб, кеч тушгунча дарёда чўмилиб-чўмилиб қайтиб келарди. Кўпинча мактабда ўзидан катта болалар билан ёқалашиб қолиб, ўқитувчилари мени қачиртириб юборган пайтлари ҳам бўлган. Ҳозир улғайиб, она оғир-босиқ бўлиб қолган. Апа-сингилларига, менга бўлган меҳрини ҳам кўз-кўз қилвермайди. Унинг ҳамма ҳис-туйғулари ичида. Аммо шу би-

Термиз шаҳрида ўзбек кураши бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган X халқаро турнир ва катталар ўртасида VIII жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Бу юк алломо хотирасига бағишлаб ўтказилган анъанавий халқаро беллашувнинг мутлақ вази тоифасидаги бахсларида юртдошимиз, Олимпиада ўйинлари совриндори, кураш бўйича Жаҳон ва Осиё чемпиони, “Ўзбекистон ифтихори”, “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи” фахрий унвонлари соҳиби Абдулла Тангриев олтинчи марта Президентимиз совринини қўлга киритди.

Албатта, ҳар бир муваффақият, ғалабаларнинг ортида меҳнат, машаққат, шу билан бирга, оилавий тарбиянинг ўрни ҳам муҳимдир. Абдулла полвонни ҳамisha дуолар қилиб, руҳлантириб тургувчи, унинг олган шода-шоода медалларини қўлларига олиб, Яратганга шукрона айтувчи волидаи муҳтарамаси Қизларсулув опа Эшбоева бугунги саҳифамизда меҳмони.

Абдулла полвоннинг онаси



лан бирга, жудаям меҳрибон, кўнгли очик. Қўлидан келгунча ҳаммага ёрдам бериб, одамларнинг оғирини енгил қилишга интилади. Жуда ориятли баланд. Балки бугунги ютуқларининг замирида мана шу хислатлари ётгандир.

— **Ўғлингизнинг биринчи ютуғини эслай оласизми? Ушанда кўнглингиздан қандай ўй-кечинмалар ўтган?**

— Ҳали айтганимдай, Абдуллажон бағримдан кетганида эндигина 9-10 ёшлардаги гўдак эди. Ҳар олти ойда келиб турарди. Бошида жуда қийналдим. Ҳар ҳолда, ёлғиз ўғлим эмасми, кечалари ухломасдан, йиғлаб чиқардим. Бирор тансиқроқ таом тайёрласам, томоғимдан ўтмасди. Аммо ўзимни қўлга олишга ҳаракат қилдим. Абдуллажоннинг келажаги учун энг тўри йўл шу деб ҳисоблагач, аста-секин кўнлик бошладим. Чунки ўғлим ишончли кўлларда, соғ-саломат юрган эди. Хуллас, олтинчи

синфда биринчи марта Хоразмда ўтказилган мусобақада голиб бўлиб қайтгач, барча азобларим унутилди гўё. “Болам, илоҳим, бундан-да юксакроқ чўқиларга эришгин. Худо хоҳласа, дунёда таниқли полвон бўласан”, деганим. Кейин кетма-кет дзюдо, кураш бўйича нуфузли беллашувларда қатнашиб, фахрли ўринларни қўлга киритаверди. 2001 йили Термизда Президентимиз соврини учун ўтказилган турнирда иштирок этиб, бош соврин — “Нексия” машинасини миниб келганида кўзларимга кувонч ёшлари тўлган эди...

— **Қизларсулув опа, ўзингизнинг спортга муносабатингиз қандай?**

— Биласизми, спорт, доимий ҳаракат эрта қаришнинг, турли касалликларнинг олдини оларкан. Деярли ҳамма спорт турларига қизиқаман. Қизларимга ҳам доимо ҳаракатда бўлинглар, дейман. Бошқа спортчиларнинг чиқишлари

ИФТИХОР



РУСТАМ — тилимизда “қаҳрамон, ботир, паҳлавон” маъноларини билдиради. Адабиётшунос Суйима Ганиева изохига кўра, Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сида Рустами достонининг онаси у туғилган лаҳзаларда биринчи айтган сўзи “Рустам” бўлиб, “енгил торғим”, “енгиллашдим” деган маънони билдирган экан.

ИСКАНДАР — адабиётшунос Суйима Ганиеванинг “Навоийнинг васияти” китобидаги изохига кўра, шоҳ Искандарнинг онаси ҳомилалорлик даврида хасталаниб қолиб, “искандар” деган ўт билан даволанган ва шу муносабат билан бола туғилгач, уни ўша гиёҳ номи билан “Искандар” деб аташган. “Искандар” бизда “кашнич” дейилади.

УЧУНМОҚ — қадимги даврларда ёмон кучлар таъсирида кўрқиб, чўчиш сабабли пайдо бўладиган бетобликни “учуниш”, “учунмоқ” деб аташган. Бу сўз ҳозир ҳам тилимизда ишлатилади. “Учуқ” ҳам шундан келиб чиққан. Бу сўзларнинг туб илдизи “учиш” маъносидати “уч” феълита бориб тақалади.

Учунбсан, бир-икки кун ўраниб ёт.

Журналдан

Лабларига тошган учуқ ҳали қайтмаган бўлса-да, иситмаси пасайган эди.

Газетадан

САБЗАВОТ — тилимизда фаол қўлланадиган илбазов сўзининг туб илдизи “сабза” бўлиб, “яшил ўт”, “майса” маъноларини англатган. “Сабзи” сўзи ҳам шундан келиб чиққан.

Хушбўй мевалар, айниқса, кўкатлар, турли нав сабзавотлар айниқса мўл йиғилди.

Ойбек

Эшқобил ШУКУР тайёрлади.

Пок муҳаббат истаيمان

*Кеча қолган эдим дунёда сизсиз,
Юракда дардларим, армоним чексиз.
Буён кетаясиз азизим менсиз.
Сирларимни қозоғга тўқаяман мен,
Соф бир севги излаб ўтаянман мен.*

*Изҳорларим сизга етмаса нетай,
Бу доғ юрагимдан кетмаса нетай.
Қалбимни эздингиз, биламан, атай.
Дардимни қозоғга тўқаяман мен,
Тоза севги излаб ўтаянман мен.*

*Кутдим, сабримнинг қолмади умри,
Ахир шу бўлар-да бир қизнинг сабри.*

КўНГИЛ МУЛКИ

*Нима ҳам қилардим, бу тақдир амри.
Армоним қозоғга тўқаяман мен,
Пок муҳаббат истаб ўтаянман мен.*

*Тирикман, ҳали ҳам юрак уради.
Бу севгим устидан ақлим кулади,
Хижронлар қалбимни тинмай тилади.
Андуҳим қозоғга тўқаяман мен,
Соф бир севги излаб ўтаянман мен.*

Умр ўтар...

*Ҳар кунимиз учун айтиб шукрона,
Яшайлик, яхшилик қилиб, биродар.
Умр ўтиб борар, буён ҳам ўтар,
Буғунимиз эртага тарих аталар.*

Хурижда ХОЛМУРОДОВА

*Пушаймонлик чўқар
қалбиме тубига,
Қийнайдим виждонни
тинмай хатолар,
Биздан қолажакдир асли
яхшилик,
Буғунимиз эртага тарих аталар.*

*Инсонлар дилини оғритсак бир кун,
Бизга ҳам қайтажак ёмонлик баттар,
Яшайлик, эззулик кўнглига тугиб,
Буғунимиз эртага тарих аталар.*



Сурхондарё вилояти

Тун ярмидан оққан. Кун бўйи маҳалладошлари ташвиши билан қуриб юрган Кумри опа эшикнинг қаттиқ тақиллашдан уйғониб кетди. "Дадаси, кимдир чақирпти, чиқиб қараң-чи" — эрини секин туртувди, у киши ҳам ҳамма гапдан хабари бор, шекилли, "Нурматнинг хотинидир-да, сени сўраб юрувди. Яна эри ичиб келган бўлса, жанжал чиққан ҳойнаҳой", деди-ю, ўзи ташқарига йўналди. Айтганидек, дарвоза ёнида ўша келинчақ йиғлаб турарди...

Маҳалланинг кайвониси бўла туриб, "Бор-е, билганларингни қилинглар, эр-хотиннинг ўртасига эси кетган тушади, аралашмайман", деб юбориш ярашмайди унга. Ноилож, вақт алламаҳал бўлсада, Нурматнига борди. Яна ўша эски гап-сўз, эри ичди дегунча, нима эмиш, келин томон мебель совға қилмаганини пеш қилади хотинига. Бу воқеага тўрт йилдан ошди, ўртада икки фарзанд бор. Аниқроғи, икки аёл қудалар орасида чиққан можаро ҳалигача ёш оилага тинчлик бермайди. Хуллас, маслаҳатчи эртаси кун эрталабданоқ қудаларни, эр-хотини маҳалла идорасига чақирди ва обдон гаплашиб олишди. Шу-шу, хонадондан ҳеч қачон ёмон гап кўчага чиқмади...

Хозир қудалар ўртасидан ип ўтмайди, бирам аҳил, иноққи, ҳамминанг ҳаваси келади. Улар эса кўпни кўрган, тажрибали Кумри опани дуо қилишади.

— Албатта, бу дунёда ҳар томонлама мукамал оиланинг ўзи йўқ. Ҳар биримизнинг ўзимизга яраша қувонч-ташвишимиз бор, — дейди Бўка туманидаги ўртатепа маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Кумри Опа Ашурматова. — Маҳаллада яшагандан кейин шу ердаги ҳар бир хонадон аҳлига ўзингизнинг энг яқин инсонингиз мисол муомала қилишингиз

Ҳаётдан берар сабоқ...

керак. Бегонага ажратиш, давралардан ўзини олиб қочиш ярашмайди. Масалан, бизнинг ўртатепа маҳалласида икки ярим мингга яқин турли миллат вакиллари истиқомат қилади. Ҳамма бир-бирини яхши танийди, қон-қариндошлардай яшаб келишяпти. Менга ишонч билдириб, шундай масъулиятли вазифани топширган маҳалладошларимга ҳаммаша таъзим қиламан.

Айтишларича, Кумри опанинг ўзи ҳам ҳаётнинг кўп қийинчиликларини бошидан кечирган экан. Тақдир тақозоси туфайли кўшни Оққўрғондан умр йўлдоши бевақт қазо қилиб, уч нафар воғга етмаган фарзандлари билан қолган бўқалик Абдуҷаббор аканинг хонадонига келин бўлиб тушганига ҳам 28 йил тўлибди. Йилларнинг югуриклигини қараң-а, шу мuddат орасида бир-бирини қадрлаб яшаган аҳил оила соҳиби ва соҳибаси беш ўғил бир қизни тарбиялаб ўқитишди, уйли-жойли қилишди. Бугунги кунда улар тўққиз набиранинг суюкли бувижон ва буважонисидир.

Кумри опа эса етти йилдан буён маслаҳатчи сифатида кўпчиликнинг эътиборини қозониб келаётир. Маҳалладошлари ярим ҳазил, ярим чин маънода опани



аёлларнинг, турмуш ўртоғи Абдуҷаббор акани эса эркаларнинг энг яқин маслаҳатчиси, сирдоши деб қўйишади. Негаки, маҳаллада ўтказилаётган ҳар бир суҳбат ва учрашувда улар ҳар доим фаол иштирок этишиб, ибратли тажрибалари ҳамда фойдали йўл-йўриқлари билан ўрнат бўлиб келишмоқда.

— Биласизми, ўртатепада бошқа ҳудуддагилар ҳавас қилса арзигулик хайрли ишларни йўлга қўйганмиз, — дейди Кумри опа суҳбатни давом эттириб. — Масалан, бирор киши ўғил уйлантирмоқчи, қизини чиқармоқчи ёки суннат тўй қилмоқчи бўлса, албатта, ўша кунни маслаҳатчи сифатида бир вақилимиз иштирок этади. Ҳар қандай шароит-

да ҳам тўй-маросимларни кам харажатли, дабдабасиз ўтказишни талаб қиламиз. Баъзан шундай ҳоллар ҳам рўй беради: тўй имкони борича шов-шувларсиз, овоз кучайтиргичларни пасайтириб, ўз вақтида бошланиб, вақтлрок, тинггина яқунлишини сўрасам, айримлар хафа бўлади. "Сизга нима, ортиқча маблағи бор эканки, тўй қилаётган шоввоз шунини истаяпти, аралашманг!" дейдиганлар ҳам чиқади. Шундайларга "Ҳар қандай дабдабанинг ҳам чек-чегараси бор, элдан чиқманглар, тўрт сўм пул ҳеч нарсани белгиламайди", дейман.

Яна бир эътиборли жиҳати, Кумри опа фермерчилик соҳасида ҳам каттагина тажриба тўплаган. 2007 йили "Шойим Нозим" фермер хўжалигини ташкил этиб, бугунги кунда 74 гектар майдонда маҳалладошлари ва фарзандлари билан деҳқончилик қилишяпти. Фаллачилик ва пахтачиликда белгиланган шартномавий режаларни ошириб бажариб, туманда доврўғ қозонган. Шунингдек, 7,5 гектарга экилган тўт қўчталари ипақ курти боқишда қўл келмоқда. Хўжалик аъзоларидан Низомиддин Шойимов, Анорбой Қодиров, Уктам Ўсаров, Ҳаёт Эгамбердиевлар Кумри опанинг суянчиқлари саналади.

Бир сўз билан айтганда, Кумри Ашурматова, энг аввало, ўзининг аҳил ва тотувлик тимсоли бўлиши оиласида, қолаверса, қадрдон маҳалладошлари ҳамда жамоатчилик орасида малакали, катта ҳаёт мактабининг муаллимаси сифатида эъзоз топган фаол аёллардан биридир.

Нигора ЎРОЛОВА,
"Оила ва жамият" муҳбири.
Тошкент вилояти.

Ноқонуний фаолият

ҚАРОР ВА ИЖРО

Бюрократик гов —

йўл ҳаракати хавфсизлигига хавф солади

Бугунги кунда жаҳон миқёсида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш долзарб вазифалардан бири бўлиб турибди. Автомашиналар сони кундан-кунга ошиб, кўчалар соат сайин тирбандлашиб бораётган бир пайтда ноқонуний тадбиркорлик билан шуғулланадиган ҳайдовчилар ҳам учраятти, улар мавжуд вазиятни янада чигаллаштириб юборишмоқда.

Президентимизнинг 2006 йил 28 февралда «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги, 2006 йил 9 мартда «Автомобиль транспортда йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида»-ги қарорлари қабул қилиниб, ижроси таъминлаб келинмоқда. Хусусан, Шайхонтоҳур тумани ДСИ ҳам Тошкент шаҳар ИИББ ИХХБ ва Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорт агентлигининг ҳудудий бўлими мутахассислари билан ҳамкорликда автотранспорт соҳасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни ҳисобга олиш, аҳолига ноқонуний равишда транспорт хизмати кўрсатувчиларни аниқлаш, уларни солиққа тортиш юзасидан текширув тадбирларини мунтазам тарзда амалга ошириб бормоқда.

Туман ҳудудида 2011 йил 9 ой давомида ўтказилган рейдлар натижасида 123 та қонунбузарлик ҳолати аниқланиб, шундан 107 та энгил автотранспорт воситасида, 16 та юк автотранспортда ноқонуний фаолият юритилаётгани аниқланди. Дўпранган ҳужжатлар ҳуқуқбузарларга нисбатан қонуний чора кўрилишини таъминлаш мақсадида туман судига юборилди.

Аҳмад УСМОНОВ,
Шайхонтоҳур тумани ДСИ бошлиғи ўринбосари.

Манфаатли мулоқотлар

Президентимиз томонидан илгарди сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида тадбиркорлар учун кенг имкониятлар яратиш бўйича ҳам қатор дастурий режалар белгилаб берилган эди. Мазкур ҳужжатнинг амалдаги ижросини таъминлаш ҳамда унинг мазмун-моҳиятини тадбиркорлар ўртасида тарғиб этиш бўйича туманимиз давлат солиқ инспекцияси ходимлари ҳам кенг қўламдаги ишларни амалга ошириб келишмоқда.

Айниқса, тадбиркорлар учун қулай бизнес-муҳит яратиш, хусусий мулкчиликка оид қонун ҳужжатлари тўғрисида жамоатчиликни мунтазам хабардор этиш ҳамда айрим қонунбузилиш ҳолатлари бўйича назоратни кучайтириш мақсадида "Очқ эшиклар кунин" ўтказиб келинаётгани эътиборга лойиқдир. Бу эса хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини янада жонлантириш ҳамда аҳолининг кенг қатламлари манфаатини таъминлашга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Зафар САГАТОВ,
Олмазор тумани ДСИ бўлим бошлиғи ўринбосари.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг республикамиз иқтисодиётидаги роли ва улусини ошириш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва даромадларини таъминлаш масаласи доимий эътибор марказида турибди. Шу маънода тадбиркорликка янада кўпроқ эркинлик бериш, хусусий мулкчиликни ривожлантириш йўлидаги ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Президентимизнинг жорий йил 25 августда «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарорига асосан 2011 йил 1 сентябрдан тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат берувчи хусусиятга эга бўлган 50 та ҳужжат бекор

Бюрократик гов — тараққиётга ёв

қилинди. Шунингдек, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган рухсатномалар ва рухсат бериш тартибларининг янги турларини жорий этиш таққиланди. Қолаверса, экспорт-импорт фаолияти билан шуғулланувчи яқка тартибдаги тадбиркорларга турғун савдо шохобчалари ёки буюм бозорларида чакана савдонини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсат гувоҳномаси бериш тартиби бекор қилинди. Шу тариқа мамлакатимизда ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга доир замонавий усуллар

бошқичма-бошқич жорий этилаёпти. Тошкент шаҳар Миробод тумани ДСИ томонидан ҳам мазкур қарор талабларини бажариш юзасидан қатор тадбирлар иш-лаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилаётир. Ўтган қисқа мuddат мобайнида бу борада қатор ижобий натижаларга эришилди. Таъкидлаш ўринлики, мазкур қарор туманимиздаги юзлаб одамларнинг тадбиркорлик салоҳиятини намоеён этишига, тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш қўламини кенгайтириш ва унумдорлигини оширишга, амалга ошмай ётган режаларни рўёбга чиқаришга реал шароит яратмоқда.

Шермухаммад ХУДОЁЕВ,
Тошкент шаҳар Миробод тумани ДСИ шўъба бошлиғи.

Реклама Реклама Реклама Реклама Реклама Реклама

«ЎКТАМХОН-НУР» ЎҚУВ МАРКАЗИ

қуйидаги ўқув курсларига таълим эътади:

Тўқувчилик — 2-3 ой.
Инглиз тили — 3 ой.
Рус тили — 3 ой.
Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.
Сунъий гул яшаш — 1-2 ой.
Компьютер сабоқлари — 2 ой.
Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёти билан
Ётоқхона мавжуд.

Ўқишни тугатганларга
ДИПЛОМ берилади.

Манзил: Юнусобод тумани 3-мавз 1-уй 31-хона. Мўлжал: Юнусобод деҳқон бозори бош томони орқасида.
Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).
ФИИЛИАЛ

Манзил: Халқза тумани Фарғона йўли кўчаси, Қўйил, 4-уй 40-хона. Мўлжал: Қўйил кийим бозори рўпарасида.
Тел: (8371) 295-97-82 +99897 785-90-30 (кундузи)

Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
Аёллар костюм-шима, плаш-пальто — 1-2 ой.
Ҳамшира — 6 ой, 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.
Ҳамшира (тезор) — 3-4 ой (амалиёти билан).
Тиббий массаж — 2 ой. Нўхтали — 1 ой.
Торт ва пиширмалар — 2 ой.
Пиширмалар олий курси — 1 ой.
Уйғур, Европа таом ва салатлари — 1 ой.
Аёллар сартарошлиғи — 3 ой.
Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.
Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой, Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.
Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
Каштачилик — 3 ой (машинада вышивка).

Ҳурматли отаҷонимиз
Аҳмад Ражабов!
8 ноябрь таваллуд топган кунингиз билан кутлаймиз. Сизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, ижодингизга ривож тилаймиз. Оиламизнинг устунини бўлиб юринг.
Фарзандларингиз номидан
Муқаддас, Жасурбек,
Гуландом
Хоразм вилояти
Урганч шаҳри

**Кўз ёшларим маржон бугун,
Юрак тўла армон бугун,
Танамда йўқ дармон бугун,
Сиз кетдингиз энди, бегим.**

Хаёт мисоли чархпалакдек тинмай айланаверади. У ўзи билан бирга ғам-ташвиш, қувончу шодликларни ҳам опичлаб юради. Инсон эса орзу-истакларига эришганда бахтиёр бўлиб, етишолмаганда эса армон билан яшайди.

... Ҳар бир қиз вояга етаркан, келажакда чиройли оиланинг бекаси, мард, ўқтам бир йигитнинг турмуш ўртоғи бўлишни ният қилади. Оллоҳга минг қатла шукр, тақдир мени бу борада ҳам сийлаган эди. Маъруфжон акадек қалби дарё, меҳр-оқибатли инсон билан умр йўлларимиз боғланди. Биз у киши билан гарчи севишиб, синашиб юрмаган, совчилар воситачилигида танишиб тур-

ХОТИРА ЁҒДУСИ



Суянган тоғим эди...

муш қурган бўлсак-да, аммо кейин галдики, бизлар бир-биримизга қошу кўз эдик. Муस्ताқил ҳаётимнинг илк кунлариданоқ бир оддий ҳақиқатни тушуниб етдим: мен келин бўлиб тушган хонадон — ўқимишли, зиёлилар оиласи бўлгани учун уларга муносиб тарзда ўз бурчимни ҳалол ўташим керак эди. Негаки, қайнота-қайнонам етти нафар фарзандларининг ҳаммасини олий маълумотли, элнинг қорига ярайдиган инсон қилиб тарбиялашган. Турмуш ўртоғим Маъруфжон ака Зокиров ҳам олдин Қўқон автотўли билим юртида, сўнг Фар-

ғона политехника институтида, кейинчалик Тошкент давлат юридик институтида таҳсил олган. Олий маълумотли муҳандис, ҳуқуқшунос, ўз соҳасининг фидойисига айланган Маъруфжон ака узок йиллар ички ишлар давлат автомобиль назорати бўлимида турли лавозимларда ишлади. Қандай мавқе ва мартабага эришмасин, ҳеч қачон касбига бўлган фидойилик, ҳалоллик ва камтарлиги йўқолмади. Ўз фаолияти давомида халқнинг дуосини олиб, кўлидан келгунича ҳаммага яхшилик қилишга, оғирини енгиллатишга ҳаракат қилди.

Телевизор қаршисида ўтирган Самандар ўйга чўмди. "Ўзгаларни қулдириб, ўзингникин йиғлатма..." Берилиб шеър ўқиётган шоир йигит нима демоқчи? Боласини ташлаб кетган қайси беор ота ёки отасини қақшатган қайси номард ўғил тўрисида гапираяпти? Кеча қўшниси Маҳкам амаки гапириб берган воқеа ёдига тушди: "Ресторанинг бошлиғи нега шифтнинг сариққа бўядинг, сассиқ чол, деб отасининг ёқасидан олиб турибди-ю, барзангидай ўғил хўжайинининг гирибонидан олиш ўрнига отасининг тажир-ланишига томошабин бўлиб ўтирибди! Ота ўғилнинг химоясига илҳақ бўлганча боласи тенги қаззобдан уч-тўрт тарсаки еб олди-я... Бу қандай гап бўлди, болам?! Ўғилнинг номус-ори қани?!" дея қуйиб-ёнганлари эсига тушди. Бу ҳам майли, тунов кунни Қўқонга келин олиб келгани боргандаги воқеа-чи?

Опа-сингилнинг ёнма-ён ҳовлиси кўз олдига келди. Опа виқор билан дабдабали дарвозадан чиқар экан, ҳовлиси ёнидаги деворлари нураб, қулаб тўшай деган эшикка қараб қайтиб келди:

— Умрихон, тезроқ ҳаракат қилинлар... Узок йўл, меҳмонлар кутиб қолишди. — Сўнгра қудаларга қараб илжайди: — Бизникига кириб, бир пиёла чой ичиб олинглар, акалар. Йўл олис бўлса...

— Раҳмат, синглим, довоннинг йўли олис, тезроқ йўлга чиқайлик девдик... — узроҳлик қилди мўйсифид Ортикали ака. — Опа-сингиллар девор-дармиён кўшини экансизлар-да? Дуруст...

Мўйсифиднинг атрофга савол назари билан боққанини илганган ўрта ёшлардаги киши илмоқли шивирлади:

— Опа-сингилмиш... Тўтихон Умрихонни одам ўрнида кўрмайдиди-ку...

— Нега? Бўлажак қудамиз бамаъни аёлга ўхшайди, шекилди.

— Э-э, ака, Умрихонга гап йўқ, бечоранинг эри Абулқосим

"Ўзгаларни қулдириб, ўзингникин йиғлатма"

қанақа норғул йигит эди. Трактор босиб кетиб, бир ўлимдан қолди. Эри билан энди янги участкага чиққанди, иморати битмай қолди боёқшининг. Олти йил ётиб қолган эрининг бошидан жилмади. Йигит шўрликнинг изидан ўт чаққарди-я?! Бошланасиз қолмаслик учун ноилоҳ Умрихоннинг ота-онасидан қолган эски ҳовлига кўчиб ўтишди. Болалари эсли-хушли, ҳозир ўша битмай қолган ҳовлида ул-бул нарса экиб тирикчилик қилишди. Яхшиларга гулла бўлибсиз, ака. Хурсанд бўлаверинг...

— Ҳа, кувёбола ҳам ўқимишли, норғул йигит, қизингизни бахтли қилади, насиб этса...

— Шундай бўлсин, илоийм... Иккови курсдош экан, тақдир-да... Бўлмаса, сизлар қаердасиз-у, биз қаердамиз, акалар...

Сухбатни яна Тўтихоннинг бақиргани бузди:

— Ҳов, Пирмат, буларинг мунча ивирсиди, қизни олиб чиқинлар! Умри, умрингда Тошконтонмонларга бормаган бўлсанг, йўл олислигини қаёқдан ҳам билардинг, тезлаштир қизларни!

Умрихон ичкарига чопиб кириб кетди. Ҳайдовчи бўлиб борган Самандар Тўтихон чиққан дарвоза томонга юрди. Ҳовлига қираверишдаги кенг саҳида бир эмас, иккита "Нексия" ва битта "Ласетти" кўр тўкиб турарди. Тўтихон ўзига бадастирганина кўринади. Шўрлик сингил ноғирон эр билан тўрт боласини оёққа тургизсини ёки ота-онасидан қолган ҳовлини таъмирласинми?

— Ҳим-м, синглисининг турмуши бошқачароқ экан... — қудалар билан борган Мутал ака қитмирона жилмайди.

У киши билан йигирма олти йил бирга умргузаронлик қилган бўлсак, бирор марта кўз ёшимни оқизмаган, кўнглимни оғритмаган. Ҳаётимизнинг илк кунларида қандай бир-биримизга меҳр-муҳаббатли бўлган бўлсак, охиригача шундай яшадик. Оллоҳ бизга беш нафар шириндан-шакар фарзандлар — тўрт ўғил, бир қиз ато этди. Бахтимиз бутун эди. Ҳаммамнинг ҳаваси келарди бизга. Доим бир-биримизнинг кўнглимизни аяб яшадик. Маъруфжон ака муҳаббатни муқаддас туйғу деб биларди. Оиласи, ота-онаси, яқинлари, юртдошларига самимий муносабатини, содиқлигини уни яхши билган инсонлар, ёру дўстлари жуда қадрлашарди. Табиатан оғир, вазмин одам бўлгани учунми, бирор марта жаҳли чиқиб, овозини баланлатганини кўрмаганман. Ота-онаси, ака-ука, опа-сингилларини ниҳоятда эъозлар, деярли ҳар кун эрталаб ишга кетишдан олдин катта ҳовлига қайнона-аямнинг олдиларига кириб, дуоларини олиб кейин йўлга отланарди. Фарзандларимизга ҳам "Бир-бирингизни қадрланг, меҳр-оқибатли бўлинглар. Айниқса, ёлғиз қизим Ҳуснидахонни қўллаб-қувватлаб юринлар", деб уқитарди. Набираларимиз Муслимаҳон, Самираҳонни еру кўкка ишонмасди. Ҳар қандай вазиятда ҳам кучли бўлишга, фарзандларимизга фақатгина қувончли ҳолатларни кўрсатишга ҳаракат қиларди. Уларнинг ҳам ана шундай руҳда тарбияланишини хоҳларди. Болалар катта бўлиб қолганда "Аянг икковимизнинг муҳаббатимиз абадий, сизлар ҳам келажакда оила қуриб, худди биздек яшанлар", дерди.

Мана, икки ойдири, кўзларимда

уйку, қалбимда ҳаловат йўқ. Суянган тоғим, хонадонимнинг нури, қалбимнинг кўри, жону жаҳонимни йўқотиб қўйдим. Шу йилнинг 11 август кунни умр йўлдошим юрак-нафас етишмовчилиги туйғули дунёдан ўтди. Улим ҳақ, тақдирга тadbир йўқ, дейишади. Аммо йигирма олти йилдан буён бирор марта айрилмаган, ҳар тонг кўзимни очганимда нузли чехрасини кўришга ўрганган, бетоблигимда, бошимда парвона бўлиб турган инсоннинг энди йўқлигига, у кишини бошқа кўра олмастлигимга ишонгим келмайди. Гўёки ҳозиргина эшик таққиллайди-ю, савлат тўкиб кириб келади-да, кўзимдаги ёшни артиб, бошимни сийлайдигандек. Телефон кўнгириги жарангласа, юғуриб туриб гўшақни кўтараман, хаёлимда ҳозир у мenden ҳол-аҳвол сўрайдигандек...

Икки ойдан буён кунларим шу зайлда ўтаётти. Бирга кечган энг бахтли йилларимизни эслаб, суратлар йиғилган альбомни варақлайман. Хотира ўлмас экан. Маҳзун лаҳзаларда ўзимга ўзим таскин бераман: ортингиздан қолдириб кетган покиза номингиз, давомчиларингиз, бир-бирдан ақлли, доно жигарбандларимиз — Шербек, Ҳуснидахон, Жасурбек, Аслбек ва Иномжоннинг борлиги менга катта куч, тасалли беради. Эзгу ишларингизни давом эттираётган фарзандларингизга маслаҳатгўй, дуоғўй бўлиш учун ҳам тушунликка тушмаслигим, болаларимга далда бўлишим кераклигини энди англаб етдим...

Хуршида ЗОКИРОВА,
Қўқон шаҳри.

ОЙНА

Самандар жадал юриб, машинасини миниб чиқди. Севара дарвозани ёнар экан, ажабланиб қараб қолди: "Тинчлик бўлсин-да..."

Самандар йўлда елдек кетиб бораркан, раҳматли ота-онасининг сиймоси кўз олдига келди. Ёлғизгина жигарингдан хабар олмай қўйдинг-а, болам, дегандек боқиб турган азизларини эслаб виждони қийналди. Лоақал бир ойда бир мартагина кўшини туманга бориб келиш қийинми? Ахир, тағида машинаси бўлса? Бозордан мевачева, жиянларига ўйинчоқлар сотиб олди. Сингилсини тушган ҳовлига кириб борганида шом бўлиб қолганди. Мухлиса эрига челақда лой тугиб турган экан. Эрхотин тунов кунги жалада қилган деворларини суваш билан овора, кекса қайнона аравақдаги болани овуларди.

— Тоғажон! Тоғам келдилар!

Тоғасига пешвоз чиққан Мумтозининг бақиргани ҳаммани сергак тортирди. Этагини липпасизга қистириб олган Мухлиса шоша-пиша лой қўллари билан қўйлагини тўрилади. Қўлини чала-чулпа ювганча акасининг бағрига бошини қўйди. Самандар сингилсини билан қуоқ сўрашар экан, миждаларида ёш кўриб ўзини қўйишга жой тополмади. Бироз ўтириб, яна йўлга отланди, боғиона қадди чарчоқданми, соғинчданми букчайган сингилсининг виқор билан туриши, акаси келганига кўнгли кўтарилиб, кўзлари чўлганганини сезди. "Муштипаримдан тез-тез хабар олиб тураман энди!"

Самандар машинаси рулини енгил бошқариб бораркан, бажарилмай қолган муҳим юмушини дўндиргандек мамнун жилмайиб қўйди. У кейинги кунларда ўзини бунчалик енгил ва бахтиёр сезмаганди. Беихтиёр ўша сат рларни такрорлади: "Бани одам, бани одам, сен ўзингни тани одам... Ўзгаларни қулдириб, ўзингникин йиғлатма..."

Нигора ЖАЛОЛИДДИН қизи.



— Ҳа, энди ҳамма ҳар хил яшайди, опа-сингиллар ҳам шунақа...

— Шўрлик Умрихоннинг деворлари нураб кетибди...

— Девор-ку, майли, боёқшларнинг ўтирган уйига эътибор беришганимиз, шифтлари қулаб тўшай деяпти. Абулқосим шўрлик ноғирон, шунда ҳам болаларини оёққа тургазиш учун оилаларга бориб, ер ижарага олади, деҳқончилик қилаётган ўғилларини бошқариб туради. Умрихон қўли калта бўлса-да, кўнгли очик, олган ҳосилининг олдини мана шу опасиникига тўқади. Сиз менинг ота-онамдан қолган ёдгоримсиз, дейди. Аммо опанинг кўзини мол-дўненинг шираси босиб қолган...

— Камбағал мард бўлади-да, ака. Қаранг, бу шўрлик опасини йўлабди. Униси барзангидай ўғилларига айтиб, Умрихоннинг уйини озорқ тиклаб берса бўларди... Ахир, зақот, хайру саховат деган нарсалар бор...

— Буни Тўтихондан кутманг! Мана шу Умрихон ота-онасидан қолган ҳовлида ош пиширади, Тўтихон эса бориб уни еб келади... Аммо у химматни бегонага қилади, чунки бегонадан фойда топади-да. Қўли калта сингилсидан нима топарди?! Бир қоп қартошқа, билан сабзисини айтмас!

— Тавба, сингилсининг уйи унга бегона эмас, ота ҳовлиси экан. Таъмирлаб беришга кучи етадиган кўринади, аммо... Ҳаётнинг ғалати мантиқлари бор-да...

— Шунинг айтинг, зақотни бошқаларга қилганча жигарбандингга қил, ошиб-тошиб кетса, бошқаларга илинасан! Бей, тавба қилдим-у, кеча биттаси ўртоғининг сингилсига той олиб борди. Ҳазининг сингилсига арзон гилам ҳам қўшмаганди. Нега дейсизми? Ўша бойвачча ошаннинг соясига кун кўради-да. Сингиллари эшитиб, роса йиғлашибди...

Самандар ҳаётда таъсирчан эмасди. Аммо кейинги кунларда кўрган-кечирганлари уни ўйга толдирди. Телевизордаги шоир қуйиб-ёниб ўқиган сатрлар миёсида чарх урарди. Хаёллар гирдобидан аранг кутулиб, отилиб ҳовлига чиқди. Шохонада қуймаланиб юрган хотини Севара унинг апил-тапил пойабзалини кияётганини кўриб, дарчадан бошини чиқарди:

— Дадаси, чучувада пишди.

— Мен Мухлисани хабар олиб келай, онаси. Чучуварани кечга олиб қўй.

— Вой, ўлмасам, нега бирданига Мухлисани эслаб қолдингиз? Тинчлик эканми? Болалари соғми? Бекобод яқин жой бўлмаса? Қачон қайтасиз?

— Кечгача қайтиб келаман.

— Бир қошиқ овқат...

— Кейин...

Оқибат

...У тўрт боласи билан эридан тул қолганида кичкинаси кўлгўдак эди. Бир томондан айрилиқ юки, бир томондан тўрт боланинг ташвиши... Жувоннинг икки елкаси юк остида қолди. Ваҳима босди.

Бироқ унинг яқинлари оқибатли чиқди. Ташлаб қўйишмади. Суяшди. Гоҳ катта акаси келса, гоҳ кичик акаси келди. Гоҳ укаси йўқласа, гоҳ амакиси йўқлади. Хуллас, бири келиб, бири кетди. Янгалари, келинлари ҳам қараб ўтиришмади. Болаларнинг сугуни қотиришди. Йикилса, нон тишлаб турадиган бўлишди. Ахли маҳалла жувоннинг яқинлари тимсолида яшаётган Оқибатни кўриб туришди...

Лола ҲОҚОВА

Пахта

нақадр гаройиб ва бетакрор хусусиятга эга бу ўсимлик ҳақида нималарни биламиз?

Агар пахтали ёки ярми пахтадан бўлган жуңли ёки ипакли кийим кийилса, баданга қувват бағишлайди, иссиқ сақлайди, тана аъзоларини қуруқ ва қаттиқ қилади. Шунингдек, мия ва асабга боғлиқ касалликлар, қалтираш ва аъзоларнинг бўшашиши ва ишламаслиги, фалаж (баданнинг узунасига шол бўлиши) ва шунга ўхшаш хасталикларга қарши ижобий таъсир қилади.

Чигитидан ажратилган пахтани қорайгунча, кул қилмасдан куйдириб боғланса, ишларни қайтаради, қичимани йўқотади ва оловдан куйганга шифо бўлади. Тоза пахтани чуқур яраларга бостирса, йирингни тортиб олади ва яраларни қуритади. Пахтани ундек майин бўлгунча янчиб сепилса, жароҳатларни қурипти тузатади. Бундан ташқари, эски яраларга қўйилса, яра остидаги чирик гўштларни эритиб йўқо-



тади, ириган сувларни ичкаридан тортиб олади.

Тоза чигитнинг пўчоғини олиб ташлаб, мағзи истеъмол қилинса, кўкрак ва қорин ичидида аъзоларни юмшоқ қилади. Иссиқдан пайдо бўлган йўталга фойда беради. Чигит ёғи суртилса, юздаги сепкил доғларини йўқотади ва юзда пайдо бўлган жароҳатларга ҳам малҳам бўлади.

Баргини эзиб, қизил гулнинг ёғи билан боғланса, қўл ва оёқ оғриғи ва шишига ҳамда бошқа касалликларга шифо бўлади. Бу масалада тенгсиз даводир. Пахта баргини семизўт барги билан бирга янчиб боғланса, бўғим оғриқларига даво бўлади.

Ғўзанинг майдароқ барги ва томири қўшиб қайнатилган сувга аёллар киндигига кириб ўтиришса, беҳушлик келтирадиган бачадон бўғмасига даво бўлади. Баргини сояда қурипти, эзиб сепилса, тигдан ва бошқа нарсалардан оққан қонни қотиради.

БОБУРБЕК тайёрлади.

АЖАБ ОЛАМ

«Мумтоз» компьютер

Американинг «Шультце ВОРКС» (SchultzeWORKS) дизайнерлик гуруҳи жамоаси шахсий компьютер тўпламининг антика кўринишини ишлаб чиқди. Бу компьютер мониторингининг янгица дизайнида тахминан ўтган асрнинг 50-йилларидаги тахминан экран шаклини кўрамаиз. Шунингдек, «Филко ПиСи» (Philco PC) деб номланган ушбу компьютер тўпламидаги клавиатурани яратишда эски ёзув машинака-



сига хос дизайн элементларидан фойдаланилган.

Айни дамда «мумтоз» компьютер муаллифлари янги маҳсулотни кўп нусхада чиқаришга қизиқувчилардан таклифлар кутишмоқда.

«Шультце ВОРКС» гуруҳи етакчи дизайнери Дейв Шультце (Dave Schultze)нинг таъкидлашича, махсус дизайн танловида сараланган лойиҳалар асосида вужудга келган бу антика компьютер ўзига хос эстетикаси, классик, аммо фавкултда янгица услуби билан замонавий технология ишқибозлари эътиборини тортмоқда.

Наргиза СИДДИҚОВА тайёрлади.

Сирғалидаги тиллафуруш

Навоийдан пойтахтга қайтиб келган Наргиза (исм-шарифлар ўзгартирилган), «Олмазор» метро бекати яқинида машина тўхтапти, Сирғалига олиб бориб қўйишини сўради. Хаворанг «Матиз» ҳайдовчиси «майли» деган ишорани қилиб, кира ҳақни ҳам таллашиб ўтирмади.

Йўл-йўлкай сўхбат қизигандан қизиди. Наргиза киракаш йигит Лазизга ўзи ҳақида анча маълумотлар айтиб берди: Навоий вилоятдан келиб, иқтисодий университетда ўқийди. «Спутник-16» да истиқомат қилиши ва... Манзилга етгунича қадрдон бўлиб қолган танишлар телефон рақамларини алмашиб, қуюқ хайрлашди.

Орадан беш ойлар ўтгач, қутилмаганда Наргизани ҳалиги киракаш йўқлаб қолди. Бу сафар уни бошқа маълумот қизиктирди. Ҳар соҳадан сўхбатлашгач, Лазиз мақсадга ўтди:

- Наргиза, Навоийда олтин қазиб чиқарилади-я?
- Ҳа, биламан.
- Менга тилла керак эди. Топиб беролмайсизми?
- Билмадим...

Бир ҳафталаб ўтгач, Наргизанинг укаси Собир шу ҳақда сўз очди. Тилла оладиган мижоз керак экан. Ҳар граммини

ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

102-103 минг сўмдан. Наргизанинг хаёлига дархол Лазиз келди. Улар ўзаро кўнғироқлашиб, 1 грамм қуйма олтинни 103 минг сўмдан сотиш-сотиб олишга келишишди. Белгиланган жойга етиб келган Лазиз Наргиза ва унинг укаси Собир билан мавжуд 377,7 грамм қуйма олтин маҳсулотининг хар бир граммини 103 минг сўмдан ҳисоблаб, жами 38.900.000 сўмга келишишди. Олтинлар олиниб, пуллар санаб берилганидан сўнг ноқонуний тиллафурушларнинг яширинча қилмишлари фош этилди. Далилий ашёлар билан воқеа жойида қўлга олинган тиллафуруш Наргиза ва Лазиз Туропов билан туриб қонунга зид ҳаракат қилгани учун ҳибсага олинди.

Суд қонунбузар опа-укани Жиноят кодексининг 177-моддаси 3-қисмига кўра айбдор деб топиб, тегишли тартибда жазо муддати тайинланди.

Ўтқир ҚОБИЛОВ,
Бош прокуратура ҳузуридagi СВОЖДЛҚК
департаменти Тошкент шаҳар
Бектемир туман бўлим бошлиғи.

«Уйдагилар раъйига қараб Иброҳимга турмушга чиққандим. Уни ёшлиғида бобоси ўз тарбиясига олган экан. Қайнотам ёлғиз ўғил бўлса-да, шаҳарда ишлагани боис катта фарзандини ота-онасига берган. Қариялар қазо қилгач, Иброҳим шаҳарда ота-онаси билан яшай бошлабди. У қайнукаларимга умуман ўхшамасди. Ишқмас, тантиқ эди. Ҳатто ота-онасига ҳам буйроқ беришни яхши кўрарди. Мен келин бўлиб тушгач, эрталаб ишга отлангандай чиқиб кетар ва кечкурун кириб келарди. Бир куни қайнонамага «Қачонгача кўчада санғиб юраман? Шахлога эринг ишламайди, дейиш шунчалик қийинми? Айтмасангиз, ўзим айтаман. Керак бўлса, қимор ўйнашимни ҳам айтаман. Хоҳламаса, ана катта кўча — кетаверсин! Онаси ўпмаган бошқа қизга уйлантириб қўясиз. Ахир, оналик бурчингизни бажаринг-да. Укаларимдан менинг кам жойим борми?» дея аччиқланиб гапирётганини эшитиб қолдим. Юрагимга санғиролмай онамга ёрилдим. Онам ҳам кўёвнинг бетаинлигини сезиб, ўтдай қуйиб юрган экан. Бунинг устига, ҳамсоғамиз отамага «Кўёвингиз қиморбозлигини билмаганимиздингиз?» дебди. Иброҳим менга қўл кўтарадиган одат чиқарди. Хомиламдан айрилдим. Отам бу шум хабарни эшитиб, кўч-кўронини билан уйимизга қайтариб олиб келди. Қонуний ажрашдик. Ишга жойлашдик. Қайта турмушга чиқишни вақтида уйламабдим. Ота-онам қазо қилгач, тақдирим ҳақида ўйлаб қолдим. Ёшим 50 да. Маълумотим олий. Фарзандим йўқ. Асли навоийликман. Ҳозир Тошкент шаҳрида



яшайман. Нуфузли ташкилотда хизмат қиламан. 55 ёшгача бўлган, зарарли одатлардан холи, инсофли, уйим жойим дейдиган оқ кўнгил инсон учраса, турмушга чиқаман.

ШАҲЛО,
Тошкент шаҳри.

«Мавлуда билан институтда ўқиб юрган кезларимиз танишиб, бир-биримизга кўнғил қўйгандик. Ота-онам қазо қилгани учун акаларим ва оналарим билан маслаҳатлашмоқчи бўлдим. Онам унинг онаси ҳақида яхши фикр айтмади. Уч марта эрга тегиб чиққан, савдогар аёлнинг қизи сенинг тенгинг эмас, деди. Мен ундан бошқасига уйланмайман, деб оёқ тираб олдим. Афсус, адашган эканман. Тўйдан кейин қайнонам оиламизга ўз сўзини ўтказа бошлади. Бир куни ишдан кечроқ қайтсам, уйда эиёфат бўлаётган экан. Сабабини сурштирдим, хотиним «Ҳа нима бўлди? Қовоғингиздан қор ёғапти. Бир оғиз сўрамади, деб хафта бўлаясизми? Онам жарақ-жарақ пулларни оиламизга сарфляпти-ку!» деса бўладим. Қўлтиғимдан тарвузим тушиб кетди. Хотиним хомиладор эди, тишимни-тишимга босдим. Қизимиз туғилди. Мавлуда ҳам хомиладорлик таътилидан сўнг хизмат жойида ишлашни хоҳламай, онасига қўшилиб савдога қўл урди. Фақат пул, мол-давлат мақсадига айланди. Ўй-факри бойлик тўплаш бўлди. Бора-бора мени назар-писанд қилмай

қўйди. Сабр қосам тўлиб, қизимни кўзим қиймаси-да, ноилож қонуний ажрашдик. Ёшим 39 да. Маълумотим олий, қадримга еттидим, дилкаш аёл бўлганини айтиб, ёш кетди-да, дея уҳ тортиб кўярди. Ўшанда Назокат икки яшар бўлиб, қўшни аёлларни кўрса «ойим» деб ортидан эргашаркан. Шундан сўнг унга қўшни аёлларнинг меҳри тушиб қолибди. Кейинчалик отаси қайта уйланди. Ўғай онасининг қаҳри қаттиқроқ эди, қизга кўп зулм ўтказди. У мактабни тугатгач, ўқишини давом эттиришга ҳам, ишлашга ҳам қўймади. Эрталабдан кечгача ўғай онанинг хизматидан тиним билмасди. Армия сафидан қайтганимдан сўнг ота-онам мени уйлантириш тараддуга тушиб қолди. Шу орада Назокатни маҳалламиздаги безорни, ишқемас йигитга унаштирмоқчи бўлишди. Онам раҳми келганидан «Жон болам, унга уйлан, бечора қиз рўшнолик кўрсин. Бундан бошқа чора йўқ», деди. Рози бўлдим. Дастлаб ўғай онаси «Уш йигитга ҳўп деганман, сўзимдан қайтмайман», деб айёрлик қилиб ҳам кўрди. Лекин

ЖАСУР,
Тошкент шаҳри.

«Назокатнинг онаси ўғай эди. Улар икки уй нарида яшаса-да, тўққан онасини эслолмасдим. Онам у киши ниҳоятда оқ кўнгил, меҳмондўст, дилкаш аёл бўлганини айтиб, ёш кетди-да, дея уҳ тортиб кўярди. Ўшанда Назокат икки яшар бўлиб, қўшни аёлларни кўрса «ойим» деб ортидан эргашаркан. Шундан сўнг унга қўшни аёлларнинг меҳри тушиб қолибди. Кейинчалик отаси қайта уйланди. Ўғай онасининг қаҳри қаттиқроқ эди, қизга кўп зулм ўтказди. У мактабни тугатгач, ўқишини давом эттиришга ҳам, ишлашга ҳам қўймади. Эрталабдан кечгача ўғай онанинг хизматидан тиним билмасди. Армия сафидан қайтганимдан сўнг ота-онам мени уйлантириш тараддуга тушиб қолди. Шу орада Назокатни маҳалламиздаги безорни, ишқемас йигитга унаштирмоқчи бўлишди. Онам раҳми келганидан «Жон болам, унга уйлан, бечора қиз рўшнолик кўрсин. Бундан бошқа чора йўқ», деди. Рози бўлдим. Дастлаб ўғай онаси «Уш йигитга ҳўп деганман, сўзимдан қайтмайман», деб айёрлик қилиб ҳам кўрди. Лекин

тоғаси сўзини ўтказиб, мени кўёвликка танлашди. Тўйимиз бўлди. Бахтли яшай бошладик. Кетма-кет фарзандларимиз туғилди. Онам невараларига ўзи қараб, келинини институтда ўқитди. Хотиним нуфузли ташкилотда хизмат қила бошлади. У ниҳоятда меҳрибон, хушмуомала, тадбиркор аёл эди. Эндигина катта ўғлимизни уйлантиргандик, онаси юрак етишмовчилиги туфайли бевақт оламдан ўтди. Шунга ҳам беш йил бўлди. Ёшим 57 да. Ишим тайин. Қайта уйланишимга фарзандларим рози. Ёшимга мос, уйим-жойим дейдиган, бефарзанд аёл учраса, уйланмоқчиман.

ХУРРАМ,
Сирдарё вилояти.

«Қизим Муқаддас шунча йигитлар орасидан Алишерни танлади. Унинг отасининг қўлида, бўйнида оқ доғлари бор эди. Шу боис қизимнинг севган йигитига турмушга чиқишга норози бўлдим. Шунга менга шарт қўйди: Тошкентдаги бир институтга ҳуж-

жат топширишини, ўқишга кира олмаса, ўша жойда ишлашни айтди. Икки йил институтга киришмади, боғчада ишлади. Бу орада икки синглисини узатдик. Йиллар оқар сув экан. Олий маълумотли бўлиб, ўқиган институтда хизмат қила бошлади. Онаси иккимиз унинг келгуси ҳаётини ўйлардик. Бир куни қизимизни кўрган Тошкентга бордим. Онаси йўлга отланаётганимда кўярда-қўймай «Оила ва жамият» газетасини қўлимга тутқазиб, «Албатта, тахририятга бориңг. Кўнғил сезиб турибди, қизимизнинг бахти очилади. Узлуқсиз ўқиб борапман. Қанчадан-қанча одамлар бахтини топапти», деб мени кузатиб қолди. Онаизорининг айтганидай умид билан тахририятга келдим. Мени яхши кутиб олишди ва хотини вафот этган Анварнинг телефон рақамини беришди. Дастлаб у билан ўзим учрашдим. Олий маълумотли, баямни инсонларнинг фарзанди экан. Уйланганига уч ой бўлганда хотини автохалокатга учраб қазо қилибди. Муқаддас билан танишди. Бир-бирига маълум бўлиб турмуш қуришди. Қизим ўз тенгини, бахтини топди. Онаси иккимиз сизларни умримиз борица дуо қиламиз.

НУРУЛЛО ота,
Фарғона вилояти.

ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рўқнига хат йўллаётган ёки бевоқифа мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

«Ўриндиқ маликалари»

Бошидан айтиб қўяй, ҳеч кимга панд-насихат қилмоқчи эмасман. Кўнгилдан чиққанига кўнгилга етиб боради, дедилар. Шояд, ушбу мақолам бирор кўнгил эшигини очолса...

Ешлар доим аҳолининг энг қайноқ қатлами бўлиб келган. Айниқса, ҳозирги глобаллашув, ҳаёт ритмининг тезлашуви даврида... Барчасига улгураман, деган киши суткада олти соатгина ухлаши ва дақиқама-дақиқа ҳисобга олинган иш режасига эга бўлиши керак. Яна, зангори фаслга хос севиш, севишли деган гаплар ҳам бор. Бундай бахтини ҳис этмасдан ҳаётни тўқис деб бўлмайди, ахир!

Аммо... истироҳат боғларининг ҳилват ўриндиқларини ҳеч кимга бермай, икки бошу бир танга айланиб ўтирганлар одамни ноқулай аҳволга солиб қўйишга тгани бор гап. Уларга қараб, бувимнинг биз невараларига қилган насихати хаёлимдан ўтади: "Усма кетар, қош қолар, болам. Ёшлиқдаги номаткулчиликлар кейинчалик сени уялтирадиган бўлмасин. Қадамнинг билиб-билиб бос. Қиз боланинг сояси юлқа, тоши энгил бўлади. Номини бир ёмонга йиртилмасин. Юз йил ювиб ҳам кетказолмайди бу доғи. Эсар-бесар юрадиган қиз ота-онаси-

ни уялтиргани бир томон, ўз бахтини боғлаб, эшигини совчи босмайдиган қилиши бир томон. Шайтоннинг қули бўлган бундай қизлардан худонинг ўзи асрасин..." Бувимнинг фалсафасини қули тинглардик.

Ўқув амалиёти сабаб Тошкент шаҳрининг кўркем маскани Мустақиллик май-



дони ёнидан тез-тез ўтиб тураман. Яқинда шу манзилдан курсдошим Фаррух билан ўтишимга тўғри келди. Бир-бирининг пинжига кириб ўтирган йигит-қизларни кўриб иккаламиз ҳам роса хижолат чекдик. Орқадан келаятган икки аёлнинг сўхати хаёлимни тортиди:

— Ақли, ҳаёли қиз топиш қийин бўлиб қолди, овсин. Буларнинг ўтири-

АТТАНГ!

шига қаранг. Шундайлардан бири ўғлингга тушиб қолмайди, деб ким айтади? Ота-онаси тергамайдими бу қизларни? Юзида ҳаё пардаси йўғ-а, бир қаранг... Насиба мақтаб юрган қизни тунов қуни парқа кўрдим — ўтирибди бир йигит билан...

— Шу йигитлар кейинчалик шу қизларга уйланади, деб ўйласанми? — деди Фаррух тўсатдан менга.

— Нега уйланмайди? Уйланиши аниқдирки, иккови ҳам...

— Бугун йўловчилар кўз олдида йигит киши билан бу тарзда ўтиришдан уялмаган қизга уйландиганлар камдан-кам топилади. Йигитлар юриши, севаман дейиши, мана бундай учрашиши ҳам мумкин, аммо уйланиш масаласига жиддий қарайди. Жамоат жойларида "текин томоша" бўлиб ўтирган қизлар ўзларини ўзлари бахтсиз қилаётганини билишмайди...

Бувимнинг фалсафаси билан курсдошимнинг гапларида мутаносиблик бордек... Беихтиёр "ўриндиқ маликалари"дан бирига разм соламан. У бугун фақат шу ўриндиқ бекаси экани, хонадон маликаси бўлиши даргумонлигини ўйлаб ачинаман...

Дилроз АБРАЕВА,
ЎзДЖТУ талабаси.

МАКТУБЛАРИНГИЗ

Ўтирган жойи илимаган куёвлар

Ҳаётнинг ўзи катта сахна. Жамики одамлар қанақадир роль ижро этиб яшайди. Артистлар сингари атай ҳаракат қилмасан-да, ҳар ким билиб-билмай ўз образини яратди. Биз бугун куёв ролидагилар ҳақидаги шахсий фикрларимизни ўртоқлашмоқчимиз.

Оилалар мустақамлиги масаласида куёвларнинг ўрни алоҳида. Кўпгина хонадонларда қайнонадан сўнг куёв, айрим вақтларда эса куёвнинг яққа ўзи «сиёсат» юргизади. Уларга тил теккизиб бўлмайди. Қизингизнинг ҳаётини ўйлайсиз. Тинч бўлса бас.

Ўзбек оилаларида куёвларни улуглашди, мавқеи-мартабасини баланд тутишди. Хўш, даярли ҳар доим эҳтиромда яшаётган куёвлар, таъбир жоиз бўлса, хурматини оқлашмоқчимиз? Афсуски, бу саволга ҳар доим ижобий жавоб беролмаймиз. Албатта, қайнота-қайнонага ўғилдек яқин ва азиз бўлиб кетган куёвлар ҳам талайгина. Бироқ шולי қурмаксиз бўлмаганидек, улар орасида ўзбошимчилик билан иш қиладиганлари ҳам йўқ эмас. Қайнота-қайноналар куёвларини кўпроқ кўришни истайдилар. Улар эса камроқ кўриниб, боз устига, хотинини ҳам болалари билан ота-онасининг ҳолидан хабар олиб, дийдор кўришиш учун камроқ юборишга уринадилар. Ўзлари ойда-йилда борганларида эса ўтирган ўрни илимасдан, бирор сабабини ваз қилиб, тезроқ кетишга чоғланадилар.

Бир корейс миллиятига мансуб танишим бор, уч қизини узатган. Куёвлари ўғилдек хизмат қилишади. Баъзан яқшанба кунлари қайнотанинг бирор юмуши чиқиб қолса, унчала кувини ҳам машинаси билан бир пайтга чақиради. Бўш вақти борми, банд эмасми, деб сўрамайди ҳам. Айтилган соатга етиб келган куёвлардан бири билан кетиб, қолганларига жавоб бериб юборади. Ахир, уч қизни ўстириб, уларга топшириб қўйган-да. Шу боис ҳадди сиғади. Эҳтимол, танишимнинг иши ҳам юз фоиз тўғри эмасдир. Аммо куёв ёв эмас, улар ўғли йўқларга ўғил ўрнида эканликларини ўйлашлари зарур! Сиз нима дейсиз, азиз газетхон?

Эркин ИБРОХИМОВ

ҚУДА БЎЛИБ, ЖУДО БЎЛМАНГ

Қариндошлик қондошлиқдир

Баъзан ўзимиз гувоҳ бўламиз, гоҳида эшитиб қоламиз, фарзандлари тақдирига бефарқ айрим ота-оналар яқин қариндошлари билан куда-анда бўлишни афзал билади. Тиббиётчилар ҳам, ФХДЭ бўлимлари ходимлари ҳам бундай оилаларда туғиладиган болалар орасида ирсий касалликлар учраши мумкинлигидан огоҳлантиради. Лекин ўз билганидан қолмайдиган кишилар кейинчалик пушаймон бўлиб юришади. Афсуски, бу пайтда кеч бўлади.



Қариндошлик ришталари қанчалик яқин бўлса, касаллик хавфи шунча кўпаяди. Энг ёмони, болаларнинг ирсий касалликлар билан дунёга келиши қатор муаммоларни туғдиради. Қузатувларга қўра, бундай никоҳдан, олайлик, тўрт нафар фарзанд туғилса, албатта, уларнинг бирида касаллик қайд этилади. Кўп ҳолларда яқин қариндошлар никоҳнинг асорати бир авлодда бўлмаса, кейинги авлодда юзга чиқади.

Айримлар тушунмаганлик оқибатида яқин ришталар узилиб кетмасин деган ниятда қудачиликка розилик билдиради. Бундай оилаларнинг аксариятида ўзаро келишмовчилик ёки туғилган болалар турли хил касалликларга чалинавергач, ажрашиш қайд этилгани етмагандек, яқин жигарғушлар юз кўрмас бўлиб кетишади. Энг ачинарлиси, оиласи бузилган келин-куёвлар бошқа-бошқа турмуш қуришади-ю, минг афсуски, ораси бузилган қариндошлар ярашмайди.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 16-моддасига асосан, насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида туғишган ва ўғай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида никоҳ тузиш тақиқланган. Ана шу талабдан келиб чиқиб, ФХДЭ бўлимларига мурожаат қилган ёшлар билан алоҳида суҳбатлар ўтказилади. Афсуски, баъзи ҳолларда турмуш қураётганлар қариндош эканини яширади. Махаллаларда, таълим муассасаларидаги учрашувларда бу ҳақда тушунтиришлар бериб борилаётти.

Айрим ота-оналар мол-мулкни бегона келинга топширгиси келмайди ва қариндошига куда бўлади. Лекин бундай оилалар ҳам мустақам бўлмайди, фарзандсизлик ёки носоглом бола туғилиши холлари учрайди. Бу эса ажримга олиб келади.

Қариндошлик ўртасидаги никоҳ салбий оқибатлар келтиришини, авваламбор, ота-оналар, ёши катталар тўғри тушуниб етишлари, оила қураётган ёшлар эса бу масалага жиддий қарашлари лозим.

С. ТУРСУНОВА,
Оқдарё тумани ФХДЭ бўлими мудири.

СПОРТ СПОРТ

«Насаф» ОФК кубоги голиби

Қашқадарё вилояти вакили — «Насаф» жамоасининг «ОФК кубоги — 2011» мусобақасидаги ғалабаси барча ватандошларимизга чексиз гурур ва ифтихор бағишлади.

«ОФК кубоги — 2011» мусобақасининг финал учрашувига Қарши шаҳри мезгонлик қилди. Бош соврин учун ўтказилган ҳал қилувчи беллашувда ҳамюртларимизга Қувайтнинг «Қувайт СК» жамоаси рўбарў келди.

Учрашувни бутун юртимиз футбол мухлислари ойнаи жаҳон орқали кўрганлари боис учрашув тафсилотини гапириб ўтирмаймиз. Уйинда «аждарлар» 2:1 ҳисобида ғалаба қозонишди.



«Насаф» футболчиларига Осиё футбол конфедерацияси кубоги ва олтин медаллар топширилди. ОФКнинг «Файр плей» — «Халол ўйин» соврини ҳам «Насаф»га насиб этди. Ҳал қилувчи беллашувда фаол ўйнаган Артур Геворкян финал учрашувининг «Энг яхши футболчиси», турнир давомида рақиблар дарвозасини ўн мартаба ишғол қилган Иван Бошкович «Энг яхши тўпурар» совринлари билан тақдирланди. Шунингдек, «Насаф» жамоаси ОФК кубоги соҳиби сифатида келаси йили Осиё чемпионлар лигасида тўп суриш ҳуқуқини ҳам кўлга киритди.

Осиё чемпионатидан олти медал

Жанубий Кореяда академик эшак эшиш бўйича ўсмирлар ва катталар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида ўзбекистонлик спортчилар бир олтин, уч кумуш ва икки бронза, жами олтинта медални кўлга киритди.

Тўртликлар ўртасидаги пойгада Абу-бакр Узоқбоев, Зафар Усмонов, Абдурашул Мухаммадиев ва Эрнзар Ҳамидуллаев кўрсатган юқори натижа муҳлису мутахассисларимизни хушнуд этди. Маэкур тўртлик Осиё чемпионатининг олтин медалига сазовор бўлди.

Мамлакатимиз ўсмирлар терма жамоаси етакчиси Абубакр Узоқбоев яқаллик беллашувларида маррага иккинчи келиб, кумуш медалга ҳам эга бўлди. Эрнзар Ҳамидуллаев ва Зафар Усмонов икки кишилик қайқда ўтказилган баҳсларда шохсупанинг иккинчи поғонасига кўтарилди.

Осиё чемпионатининг катталар ўртасидаги мусобақаларида тажрибали спортчиларимиздан Руслан Наурзалиев ва Вячеслав Дидрих жуфтликлар баҳсида иккинчи ўринни эгаллади. Яна бир кумуш медал яқалликлар пойғасида маррага иккинчи келган Артём Кудряшовга насиб этди. Хотин-қизлар мусобақасида Наталья Богитова бронза медал билан кифояланди.

Интернет манбалари асосида
Илхом ЖУМАНОВ тайёрлади.

Муассаслар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўлиб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Таҳририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди.
Реклама материаллари мазмуни учун таҳририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти — 15.00
Босишга топширилди — 15.00

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темур кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой Бозори ёнида

Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20

Котибият: 237-21-82

Мухбирлар: 233-04-50

«Оила» бўлими: 234-25-46

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07 да рўйхатга олинган. Бюортма Г — 1128. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади — 7588.

Баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир — Фаррух ЖАББОРОВ
Саҳифаловчи — Оқил РАҲМОНОВ
Мусахҳиҳлар — Саидғани САЙДАЛИМОВ,
Мафтуна МИНГБОВЕВА

Web-site: oilavajamiyat.uz

1 2 3 4 5